Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • 143 (6. 034) • 1986 йил 23 июнь, душанба • Баҳоси 3 тийин.

## Замондошимиз



Республикамизнинг ерини олтин дейишади. Аслида ҳам шундай. Бу ерда «оқ олтин» етиштирилади. Деҳқонларнинг таъбири билан айтганда сув ҳар қандай экиннинг ҳаёт томиридир. У мўл бўлса ҳосил ҳам мўл бўлади. «Узгипроводхоз» лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтининг бутун фаолияти республикамиз пахтазорлари ва экинзорларини сув билан таъминлашга қаратилган. Улар сувдан самарали фойдаланишга ёрдам берадиган иншоотлар, каналлар, қувурларнинг лойиҳасини тузадилар. Илмий изланишлари билан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишга ҳисса қўшадилар. Бу иш ўта ҳушёрлик, ижодкорлик, аниқ ҳисоб-китобни талаб этади.

Мариям Қодировада ана шу хислатлар мужассамлашган. Унинг институтда меҳнат қилаётганига етти йил бўлди. У тайёрлаган лойиҳалар асосида республикамизнинг турли областларида ҳар хил сув иншоотлари, суғориш шохобчалари қурилди. Ёш коммунист ҳамиша янгилик яратишга, лойиҳаларни тайёрлашда мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги ижодий ташкилотларда тўпланган тажрибадан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шу боис унинг лойиҳалари пухта, унумли бўлади. Яхши меҳнат қилган киши эса ҳамиша ҳурматга сазовордир. Айни пайтда масъулиятни оширади. Янада кўпроқ ўқишга-ўрганишга, ижод қилишга даъват этади. Ўзига ва бошқа ходимларга талабчанлиги туфайли ҳамиша олдинги маррада бормоқда. Ундан институтга янги ишга келган ходимлар миннатдор. Ҳисоб-китоб ишларида, лойиҳа чизмаларини тайёрлашда уларга беғараз ёрдам беради. Шунинг учун институт коллективи фахрланиб, уни бизнинг Мариямимиз дейди.

СУРАТДА: катта инженер Мариям Қодирова.

Т. Каримов фотоси.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 20 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми қарорларини бажаришга доир биринчи навбатдаги тадбирлар тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Партия комитетларига, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларига Пленум қарорларини амалга оширишга, меҳнаткашларни, барча меҳнат коллективларини ўн иккинчи беш йилликнинг кенг миқёсли вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишга қаратилган кўпгина амалий тадбирларни бажариш топширилди. Шу муносабат билан умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириш, совет жамиятини социал-иқтисодий тараққий эттиришни жадаллаштиришнинг ғоят муҳим омили бўлмиш омманинг ижодий активлигини кучайтириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Сиёсий бюро тегишли партия ва давлат органларига июнь Пленуми қатнашчилари айтган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни кўриб чиқиб, уларни амалга ошириш чораларини кўришни топширди.

Сиёсий бюро КПСС XXVII съезди кўрсатмаларига мувофиқ социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни маъқуллади. Республика ва маҳаллий Советларга қарашли территорияларда хўжаликни комплекс ва самарали юритишни таъминлашда, уларнинг социал соҳага, меҳнат ресурсларидан фойдаланишга, меҳнаткашларга хизмат кўрсатишга, табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли масалаларни ҳал этиш чоғида корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида шу Советларнинг ваколатларини анча кенгайтириш назарда тутилмоқда.

Аҳолининг хилма-хил талаб-эҳтиёжларини қондириш, уни озиқ-овқат маҳсулотлари билан, аввало маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига, яна ҳам тўлиқроқ таъминлаш ишида Советларнинг роли ва масъулиятини кучайтиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Халқ истеъмоли молларини қўшимча ишлаб чиқаришни аҳолига хизмат кўрсатишни ташкил этишдан, ишлаб чиқариш объектлари ва социал-маданий объектларни бир-бири билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга топширишни таъминлашдан, одамларнинг манфаатларига дахлдор бошқа масалаларни ҳал этишдан Советларнинг манфаатдорлигини анча ошириш ва уларнинг имкониятларини кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Советларнинг ташкилотчилик ишларини янада активлаштириш, улар фаолиятидаги демократик асосларни ривожлантириш, мамлакат олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришга оммани сафарбар этишда Советларнинг имкониятларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Сиёсий бюро шу беш йилликда ҳисоблаш техникаси воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорида автомат лойиҳалаш системалари, тез ўзгартириладиган ишлаб чиқариш системалари технология жараёнларини бошқариш, илмий тадқиқотларни автоматлаштириш каби муҳим соҳаларда қўлланиш учун электрон-ҳисоблаш машиналари ҳамда программа-техника комплексларининг истиқболли типлари кўплаб номенклатурасини ишлаб чиқариш тадбирлари белгиланди. Белгиланган топшириқлар ҳисоблаш техникаси ва автомат системаларини яратиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш умумдавлат программасини амалга ошириш мақсадини кўзлайди. Уларнинг бажарилиши Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларда фан-техника тараққиётининг тегишли программаларини амалга ошириш билан маҳкам боғлаб олиб борилади.

Сиёсий бюро мажлисида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришга ва халқаро сиёсатга, партия XXVII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми қарорларини амалга оширишга доир бошқа баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ҲАЁТГА!

# Жадаллаштириш ва сифат— беш йиллик шиори

## БРИГАДА УСУЛИГА—ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида «Технолог» бирлашмаси партия ташкилоти ва меҳнат коллективининг инженер-техник ходимлар ва янги техникани ишлаб чиқувчилар орасида меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формасини жорий этиш борасидаги тажрибаси маъқулланди.**

80-йилларнинг бошларида бирлашма коллективи олдига конструкторлик ечимлари ҳажмини анча кўпайтириш вазифаси қўйилган эди. Иш ҳажми ошиши туфайли ички резервларни излаб топиш ва уни ишга солиш зарур эди. Партия комитети ва бирлашма маъмурияти меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳар бир конструкторнинг иш самарадорлигини кўпайтириш, инсон омилидан унумли фойдаланиш тадбирларини белгилади. Коллектив ўртасида катта тушунтириш ишлари олиб борилди. Барча ташкилий-тарбиявий ишлар коллектив манфаатларини ҳар қандай шахсий манфаатлардан юқори қўйишга қаратилди. Иш шундай ташкил этилдики, у ходимлар малакасини ўстиришга, мутахассисларнинг билим ва тажрибаларини бойитишга имкон берди.

Партиявий раҳбарликнинг услуб ва форма-методларини янгилаш, хўжалик механизмини қайта қуриш асосидагина КПСС XXVII съезди туб бурилиш даврида ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин. «Технолог» бирлашмасида энг аввало кишилар онгини қайта қуриш, уларга коллектив олдида турган янги проблемаларни аниқ-равшан тасаввур этишларига, эскича фикрлашга барҳам беришга эришиш вазифаси турибди. Партия комитети, цех партия ташкилотлари шу кунларда ўзларининг биринчи галдаги бурчи— коммунистларга, барча меҳнатчиларга ишчанлик кайфиятини, камчилик ва нуқсонларни рўйи-рост айтиш ва бир-бирига қаттиқ талабчанлик вазиятини яратишда ёрдам беришдан иборатдир.

Конструкторларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида Ульяновск оғир ва силлиқлаш станоклари махсус конструкторлик бюроси иш тажрибалари ўрганилди. Масалан, уларда вақтинчалик конструкторлик группаси ташкил этилган. Улар станоклар конструкцияларини яратиш билан шуғулланганлар. Кам ишчи кучи билан ҳам меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ошган. Шундан намуна олиб, «Технолог» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усули тўғрисида низом ишлаб чиқилди. Унда бўлим раҳбарлари ва бригадирларнинг вазифалари, бригада тузишнинг асосий шартлари, меҳнатга ҳақ тўлашни планлаштириш, ҳисобга олиш ва ташкил этиш, бригада ҳар бир аъзосининг қўшган реал ҳиссасини баҳолаш ва бошқа омиллар аниқлаб берилди. Конструкторлар ва технологларнинг меҳнатини ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада усули системасига қурилиш ва саноат корхоналарида бригада усули асос қилиб олинди. Бунда ҳар бир кишининг меҳнатдаги иштироки ҳисобга олиняпти.

Бирлашма партия комитети бригада усулига ўтиб ишлаётган 56 коллектив ўртасида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борди. Натижада бирлашмада янгича усул иш ҳажмини 1,7 марта ошириш имконини берди. Бригада усули фақат иқтисодий кўрсаткичларни яхшилабгина қолмай, балки коллектив тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бу ерда кадрлар қўнимсизлиги аввалги 17 процент ўрнига 8,2 процентга камайди. Иш вақтини йўқотишлар қисқарди. Меҳнат интизоми анча мустаҳкамланди.

Биз бирлашманинг ўн биринчи беш йилликда бир маромда иш олиб борганини, план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни мунтазам муваффақиятли бажариб келганлигини яхши биламиз. Бироқ, бугунги кунда КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида қўйилган актуал вазифалар нуқтаи назаридан қилинаётган ишларга назар солсак, ҳали кифояланишга, хотиржамликка берилишга эрта эканлигини яққол тушунамиз. Масалан, бирлашмада лоақал Ильич номидаги тажриба-механика заводи белгиланган муддатда ишга туширилганида коммунист-раҳбарлар ва мутахассислардан Гуржиев, Кудашов, Шаинский, Волницкий, Вайнштейн ва бошқалар масъулиятни юксак даражада ҳис этганларида, коллектив муваффақиятлари бундан ҳам яхшироқ бўлар эди.

(Давоми 2-бетда).

## КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

**КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.**

**«Меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатини тубдан ошириш, барча турдаги ресурсларни тежаш, шартнома мажбуриятларини сўзсиз бажариш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш мусобақанинг бош мақсадлари деб ҳисоблансин. Мусобақадошлар фан-техника тараққиёти ҳисобига энг муҳим кўрсаткичлар бўйича жаҳон даражасидан ўзиб кетишга йўналтирилсин», — дейилади жумладан қарорда.**

(Мазкур қарорнинг тўла тексти кеча газеталарда эълон қилинди).

## Об-ҳаво ва саломатлик

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Мажидов таҳрири остида.

### Фойдали чора-тадбирлар

Юрак-томир, гипертония касалликларига чалинган беморлар об-ҳавонинг кескин ўзгариши олдидан қандай фойдали чора-тадбирларни кўрмоқлари керак? Бундай пайтда об-ҳаво шароитига тезда кўникиш ва чидамли бўлиш учун зарурий профилактика ишларини бажармоқ керак. Агарда беморлар шифохоналарда даволанаётган бўлсалар, актив таъсир кўрсатувчи даволаш жараёнларини бир мунча юмшатиш лозим. Киши кайфиятини яхшиловчи, аъзоларни тинчлантирувчи ва бардамлаштирувчи бромид, валериан, резерпин, раунатин, дибазол, папаверин, ношпа, никотин кислотаси каби дори-дармонларни қабул қилиш фойдалидир.

Бўғин ва асаб хасталикларига чалинган беморлар учун оғриқ қолдирадиган дори-дармонлар қабул қилиш тавсия этилади. Барча беморлар кунига уч маҳал икки порошокдан антивазопастин қабул қилишлари мумкин. Табиий неъматлардан тайёрланган дорилар ҳам яхши самара беради. Бундай дори-дармонларни беморларнинг ўзлари ҳам тайёрлашлари мумкин. Бунинг учун юз грамм янчилган ёнғоқ, юз грамм алоэ шарбати, 300 грамм асал, 1 стакан лавлаги шарбати, 1 стакан наъматак бўтқаси ва 1 дона лимон шарбати яхшилаб аралаштирилади ва ош қошиғида истеъмол этилади. Беморлар бу дармон дорини истеъмол қилаётганда ошқозон сокининг кислоталилига эътибор беришлари лозим. Агарда кислоталилик пасайган бўлса, бу дармон дорини овқатдан ўн минут олдин, кислоталилик ошган бўлса, овқатланишдан бир соат олдин қабул қилиш керак. Об-ҳаво инжиқ келган кунларда беморлар кечалари иссиқ ванна (38 — 40 даража) қабул қилишлари лозим. Эрталаб ва кечаси ўринда ётган ҳолда хонаки жисмоний машқларни бажариш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари бош ва бўйин қисмини кечаси ва эрталаб массаж қилиш кайфиятни маълум даражада яхшилайди.

Об-ҳаво метеорологик жиҳатдан ноқулай келган кунларда профилактика мақсадида ёғли ва тузли таомларни истеъмол қилишни бир мунча камайтириш, ҳаракат активлигини пасайтириш тавсия этилади. Бундай пайтда қанд, конфет, печенье, бисквит, картошка, макаронли таомларни жуда кам истеъмол қилиш керак. Ҳар куни уч дона поливитамин таблеткаси қабул қилиш ва 200 грамм творог тановул қилиш мақсадга мувофиқдир. Кун оралатиб сабзавот неъматларидан ҳам баҳраманд бўлиш керак.

Бундай кунларда беморлар сутли чой, бир бурда жавдари нони, ярим қошиқ асал, ярим қошиқ сариёғ тановул қилишлари керак. Тушликда эса гўштли ёки балиқ шўрва, бир бўлак қайнатилган гўшт, кўк нўхат билан, бир бурда нон тановул қилинади. Кечга яқин енгил нонушта учун бир стакан сут ёки асал чой тавсия этилади. Кечки овқатга бир бўлак қайнатиб пиширилган гўшт ёки балиқ, бир стакан кефир, бир бурда нон.

Булардан ташқари сабзавот ва ҳўл мевалардан ҳам баҳраманд бўлиб туриш керак.

### Шу ҳафта об-ҳавоси

Шу ҳафтанинг аксарият кунлари ҳаво қуруқ ва иссиқ бўлади, кечаси 18-23, кундузи 33-38 даражагача исийди.

Ҳафтанинг охирига бориб, ҳаво бироз ўзгариб, осмонда булут кўпаяди. Ҳарорат кечаси 2-4 даража иссиқгача пасаяди. Ўртача ҳарорат эса кўп йиллик маълумотлардан ортиқ бўлади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медицина-метеорологик маълумотлар ва метеорологик профилактика маркази мутахассисларининг фикрига кўра шу ҳафтанинг кўпгина кунлари ҳаво ҳароратининг бир маромда ошиб бормаслиги сурункали хасталикка чалинган беморлар саломатлигига бироз салбий таъсир этиши мумкин. Шу жумладан, юрак ва бронх-ўпка системаси хасталиклари билан оғриган беморлар бироз безовта бўладилар.

Ана шу тоифадаги беморлар ўзларини об-ҳаво ўзгаришига мослаш ва профилактика мақсадида соя-салқин жойларда очиқ ҳавода кўпроқ бўлишлари тавсия этилади. Врачлар маслаҳатига кўра уларга нафас олиш машқларини бажариш, илиқ сувда ювиниш, шунингдек юрак-томир фаолиятини бардамлаштирувчи дори-дармонларни қабул қилиш тавсия этилади. Ҳафтанинг охирига бориб, об-ҳаво барча учун қулай бўлади.

Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди

# Жасорат хотираси муқаддас




**Кеча** эрталабдан Волгоград кўчасидаги ҳарбий ёдгорлик қабристонига келаётган одамларнинг кети кўринмасди.

Улар бу қутлуғ қадамжога қадам қўяр эканлар, қаҳрамон шаҳарлар... Москва, Ленинград, Брест, Новороссийск, Тула... хотира лавҳалари қаршисида бир лаҳза сукут сақлайдилар.

Бу ерда — мотамсаро она ҳайкали ёнида фашистлар Германиясининг Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужуми ва Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 45 йиллиги муносабати билан фронт қатнашчилари, партия ва меҳнат ветеранлари иштирокида урушга қарши умумшаҳар митинги бўлди.

Митингни уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секцияси раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Б. Эргашев очди. Сўнгра 1941 йил 22 июнь тонготарида гитлерчи босқинчиларнинг биринчи ҳужумини кўкракларини қалқон қилиб қайтарган истеъфодаги подполковник И. Аҳмадхўжаев, истеъфодаги полковник К. Зайнулин, уруш ветеранлари К. Васильева ва инвалид Х. Нуруллаев, ТошПИ доценти Р. Месропянлар сўзга чиқишди.

Истеъфодаги генерал-майор Н. Вовк ўқиб эшиттирган мурожаатномада халқларнинг тинчликка бўлган интилишлари якдил бўлиб, урушга қарши ҳаракат тобора кенг қулоч ёймоқда, одамлар инсоният тақдири учун ўзларини масъул деб билмоқдалар, дейилади.

«Урушга йўл йўқ!» — дейишди Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 45 йиллигига атаб мотамсаро она ҳайкали ёнида бўлган митингда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ветеранлари. Улар ёшларни Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, ўзларини унинг ҳимоясига тайёрлашга, тинчлик учун курашишга даъват этдилар.

Шунингдек кеча кечқурун Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғида республикамиз пойтахти ёшларининг фашистлар Германиясининг Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужуми ва Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 45 йиллиги муносабати билан урушга қарши намойиши бўлиб ўтди. Она Ватанимизни беаёв жангларда босқинчилардан ҳимоя этган ота-боболаримиз жасорати ёш авлод хотирасида асло унутилмайди, дейишди сўзга чиққан шаҳар комсомол комитети секретари А. Ивашкин, истеъфодаги подполковник В. Харин, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Ю. Спирин, Тошкент автомобиль ва транспорт йўллари институти студенти Сотволдиева.

Э. Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида кеча ҳужжатли ҳикоялар асосида «Бу урушнинг бошларида бўлган эди» адабий-музикали кеча бўлиб ўтди.

«Биз жанговар — ўринбосарлармиз» — В. И. Ленин номидаги Тошкент умумқўшин олий билим юртининг курсантлари ўзларининг чиқишларини шундай деб атадилар.

«Қизил чиннигул» эстрада ансамбли ва духовой оркестр ижросида оловли йиллар қўшиқлари янгради. Кечани Ленин комсомоли мукофоти лауреати Владимир Дементьев олиб борди.

**Б. ЗАЙЦЕВ,**
**уруш ветерани.**

**СУРАТЛАРДА: фашистлар Германиясининг Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужуми ва Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 45 йиллигига аталган митинг, урушга қарши ёшларнинг намойиши, адабий-музикали кечадан лавҳалар.**

**Т. Каримов фотолари.**

## Алло, редакциями?

**32-53-66, 33-99-42**

## Инсон саломатлиги— муҳим иш

**Аҳолининг соғлиқни сақлаш масалалари ва проблемаларига бўлган қизиқиш ва эътибори «Тошкент оқшоми» газета редакциясига келаётган кўпгина мактубларда ҳам ўз ифодасини топган. Оқшомхонларимиз редакцияга йўллаган мактубларида оқ халатли шифокорларнинг фидокорона ишларини ёзишдан ташқари аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш, уларнинг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш, «Тез ёрдам» ишларини такомиллаштириш, касалхоналардаги ўринлар фондидан оқилона фойдаланиш, медицина муассасаларида санитария маданиятини ошириш сингари кўпгина масалаларни ҳам тилга олганлар.**

**Юқорида айтиб ўтилган ана шу проблемаларни ва бошқа масалаларни ҳал этиш борасидаги фикр ва мулоҳазаларни ўртоқлашиш мақсадида биз оқшомхонларни телефон орқали бўладиган анъанавий суҳбатга яна таклиф этмоқчимиз. Бу суҳбат 24 июнь куни соат 17 дан соат 19 га қадар бўлади. Шу куни 32-53-66 ва 33-99-42 телефонлари орқали бериладиган саволларга Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Саиджалол Маҳмудович Баҳромов, министр ўринбосарлари ва министрлик бошқармаларининг бошлиқлари жавоб қайтаришади.**

**Биз Сиз, азиз оқшомхонлардан шу куни телефон орқали бериладиган саволнинг қисқа ва лўнда бўлишини илтимос қиламиз. Савол беришдан олдин ўз исм-шарифингиз, қаерда ишлашингизни ҳам айтишни унутманг. Агар шу куни бирон сабаб билан белгиланган вақтда Сиз телефон қилиш имконига эга бўлмасангиз медицина мавзуига доир фикр ва мулоҳазаларингизни ёзма равишда «Алло, редакциями!» деган сўзларни конвертга ёзиб йўллашингиз мумкин.**

**ЯНА БИР ВОР ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ЭРТАГА 24 ИЮНЬ КУНИ СОАТ 17 ДАН 19 ГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.**

